



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2025 йил
8 август,
жума
№ 34
(1068)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ УЛКАН ИМКОНиятлар кўрсатиб ўтилди

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Навоий вилояти ерости бойликлари, саноати ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича улкан салоҳиятли ҳудуд. Буларнинг негизда сўнгги саккиз йилда 8 миллиард долларлик 7 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, 73 мингта иш ўрни яратилган. Тадбиркорлар сони 10 мингтадан 30 мингга кўпайган.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имкониятларни янада оширди. Жорий йилнинг 6 ойида инвестиция ҳажми 643 миллион долларга етди, экспорт 635 миллион доллардан ошди. 550 миллион долларлик янги қувватлар, 1 минг 140 та сав-

до ва сервис мажмуалари ишга туширилди.

Лекин ҳали фойдаланилмаган манбалар жуда кўп. Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятида йирик саноат тармоқларидан ташқари яйловларни ўзлаштириш, чорвачиликни ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш бўйича имкониятлар беповён эканини таъкидлади.

Хусусан, мамлакатимиз қазилма бойликларининг 20 фоизи, яйловларнинг 43 фоизи шу ҳудудда жойлашган. Йирик корхоналар ва қулай инфратузилма кўплаб ёндош тармоқларда талаб яратган. Жойлардаги имкониятларни юзага чиқариш учун Навоий вилоятида ҳам “Ислохотлар штаби” тузилди. Йиғилишда тадбиркорларнинг таклифла-

ри асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар тақдимот қилинди.

Жумладан, Ҳозгон шаҳри, Нурота, Хатирчи, Навбахор ва Учқудук туманларидаги 8 та конга инвесторлар 566 миллион доллар сармоя киритишга тайёрлигини билдирган. Бунинг натижасида саноат ҳажми 2,5 триллион сўмга, экспорт 100 миллион долларга кўпаяди.

Масалан, Нурота туманида 750 миллион куб метр гранит тошлари захираси бор. Уни қайта ишлаш учун 50 гектар майдонда саноат зонаси ташкил этиш таклиф қилинди.

Шу тумандаги 10 та маҳаллада 5 мингдан зиёд хотин-қиз каштачилик билан шуғулланиб, даромад топмоқда. Энди буни кенгайтириб, 28 та маҳаллада Каштачилик марказлари очиш режалаштирилган.

Эҳтиёжманд оилаларни қуёш панеллари ва кўчма дўконлар билан таъминлаб, камбағалликдан чиқариш кўзда тутилган.

Вилоятдаги 3 миллион гектар яйлов қишлоқ ҳўжалиги учун катта имконият. Масалан, қизилтепалик тадбиркор минг гектар яйловда ёмғирлатиб ва томчилаб сўғориш технологиясини қўллаб, экспорт-боп экинлар етиштирмоқда. Энди чорвачиликни йўлга қўйиб, сутни қайта ишлаш ташаббусини билдирган.

Умуман, вилоятда 1 миллиард 600 миллион долларлик қўшимча лойиҳалар шакллантирилган. Уларнинг натижасида яна 10 минг иш ўрни, бюджетга 1 триллион сўм тушум ва 238 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий сама-

радорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорларни корхоналарга боғлаб, кафолатли буюртмани йўлга қўйиш, кичик бизнеснинг вилоятдаги улушини ошириш вазифаси қўйилди.

Яйловларга сув чиқаришга кўмаклашиб, улардан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Навоий вилоятида ўртача иш ҳақи бошқа ҳудудлардан 1,5 баробар юқорилиги савлати до ва сервисга талабни ҳам, таклифни ҳам рағбатлантиради. Шунга муносиб, истироҳат боғлари ва дам олиш масканларини ташкил этиш, туристларни кўпайтириш, хизматлар ҳажмини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

БМТнинг Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, бутунги кунда дунёдаги мигрантлар сони 281 миллион нафардан ошган. Бу эса, сўнгги 50 йил ичида мигрантлар сони уч барабар кўпайганини англатади.

Мохият

Янги қонун:

мигрантларнинг манфаатлари ҳимоясига қаратилган

Мигрантларнинг таркибий тузилмасига келсак, уларнинг 48 фоизини аёллар, 52 фоизини эркеклар ташкил қилади. Жаҳондаги барча мигрантларнинг 12 фоиздан ортиги 30 ёшгача бўлган навақирон инсонлардир.

(Давоми 3-бетда) ►

Жамила БОБОНАЗАРОВА
Олий Мажлис Сенати аъзоси

● Амалиёт ва таҳлил

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ — жиноятга қарши мустақкам иммунитет



Ҳаётда боланинг бегона-си бўлмайдми. Донишмандлар болани ниҳолга қиёслашади. Ниҳол тўғри парвариш қилинса, келажакда азим дарахт бўлади. Худди шундай, бола тарбиясида хатога йўл қўйилмаса, у комил инсон бўлиб вояга етади. Ҳолбуки, фарзанд тарбиясида йўл қўйилган кичкина хато ҳам изсиз кетмайдми.

(Давоми 3-бетда) ►

Мезон

Очиқлик ва ҳалоллик — ОДИЛ СУДЛОВ КАФОЛАТИ

Коррупция – мансабдор шахснинг ёки лавозим эгасининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, шахсий ёки бошқаларнинг манфаатлари йўлида қонунга зид равишда моддий ёки номоддий наф кўришга қаратилган ҳаракатидир.

Суд адолат мезонига хизмат қилувчи мустақил ҳокимият органи саналади. Конституциямизга мувофиқ, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ҳар бир судья фақат Конституция ва қонунга бўйсунди ва унинг ҳалол, виждонан

фаолият юритишига ҳеч бир ташқи босим ёки кўрсатма таъсир кўрсатмаслиги кафолатланган. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, бу одил судлов тамойилининг ажралмас қисмидир.

(Давоми 4-бетда) ►

Тошкентдаги муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳудудида, уруш майдонларини эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов ва унинг каби ёвқур ҳарбий кўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботиқ жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб “Мангу жасорат” деб номланган улўғвор монумент барпо этилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2018 йил 2 майда Наманган вилоятига таширифи давомида вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишдаги нутқида бу ҳақда шундай деганди: «Мени қийнаб келаётган яна битта масала бор. Шафқатсиз фашизм билан курашда уруш майдонларида қолиб кетган буюк боболаримиз бор. Шуларнинг ичида биргина генерал бўлган Собир Раҳимовнинг номини эсламай қўйдик. Мана шу қаҳрамон генералимизнинг ҳайкалин тарих ва адолат учун тиклаб қўйсак».

Ҳақиқатан ҳам, Собир Раҳимов тақдирида тарихий адолатнинг яна бир бор тикланиши Президентимизнинг қатъий иродаси ва донолиги билан халқимизнинг унутилмас фарзандларидан бири, атоқли саркарда ҳайкалининг асл жойига қайта ўрнатилиши мисолида намоён бўлди. Бинобарин, генерал Собир Раҳимов фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган саркардагина эмас, балки Иккинчи жаҳон уруши ғалабасига катта ҳисса қўшган қаҳрамон, ўзбек халқининг жонли тимсоли ҳамдир.

Собир Раҳимов 1902 йилда Тошкент

Адолат тантанаси



Генерал Собир Раҳимов:
қатағон ва жасорат, унутилиш ва мангулик чорраҳасида

шаҳрида дунёга келган. Отаси Умар Раҳим ўғли тегирмончи эди. 1909 йил отаси вафот этиб, етим қолади. Собиржон 1921 йилгача тикувчиға шоғирд тушиб, онасига таянч бўлади. Унинг тафаккури Тошкентнинг қайноқ муҳитида шаклланди. Айна пайтда жадид мактабиде тиришқоқлик билан таълим олди.

1922 йил “Кўмак” жамияти ҳомийлигида бир қатор ўзбек ёшлари сафиде таҳсил олиш учун Озарбайжонга йўл олди ва 1925 йилгача Боку Бирлашган ҳарбий мактабиде ўқиди. Ватанга қайтиши билан “Алоҳида ўзбек отлик аскар-

лар полки”да капитан унвониде фаолият бошлади. 1930 йил командирлар таркиби малакасини ошириш курсини тамомлади. 1932 йил 17 майдан 6-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси, 1936 йилдан 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси таркибидеги 42-Ўзбек тоғ отлик полки штаб бошлиги лавозимида иш олиб борди.

Дарҳақиқат, Миркомил Миршаропов раҳбарлигидаги Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг шуҳрати ва ҳарбий салоҳияти мислсиз юксалди.

(Давоми 2-бетда) ►



■ **Хабар**

Судьялар қасамёд қабул қилди



Олий суд Пленумининг мажлисида айрим фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар ҳамда туманлараро иқтисодий ва маъмурий судларга илк бор судьялик лавозимига тайинланган судьяларнинг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Яқинда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор эълон қилинди. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳимиз.

Зарар миқдорининг қонуний ҳисобланиши

шахснинг оқланишига асос бўлди

Миллий Истиқлол эпкини туфайлигина инсон қадрини улўғворлик касб этди. Библиб-билмай хато қилган, иши судга тушган шахслар ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини суднинг барча босқичларида эмин-эркин ҳимоя қилмоқдалар.

Бир пайтлар кўпни кўрган қарияларнинг “Хатта тушдинг — ўтга тушдинг” деган тағдор гапи бўларди. Бу собиқ шўролар даврида терговда тасдиқланган айблов ҳулосаси билан



судга чиқарилган жиноят иши айбдорларининг устидан албатта, ҳукм ўқилиб, оғир жазо тайинланганини ёдга солади.

Бугун эса, вазият тубдан ўзгарди: судланувчининг айби ёнгил бўлса, ўзи ва яқинлари хадик ҳамда хавотирга тушмайди, чунки бошига “иш” тушган киши ўз хатосини тузатиб, жамиятда ўрнини йўқотмай яшаш ва ишлашда давом этиши мумкин.

(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Абдулла Қодирий ва Амир Умархоннинг қаниси

◀ (Бошланиши ўтган сонларда)

Наим КАРИМОВ, академик

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари учун материал тўплаш истагида Фарғона водийсига илк маротаба борганида Амир Умархон ва унинг қанисини кўрган ёки эшитган кишилар билан учрашган ва улардан баъзи бир маълумотларни олган бўлиши мумкин.

(Давоми 4-бетда) ►

■ **Хабар****Судьялар қасамёд қабул қилди**▲ **(Бошланиши 1-бетда)**

Мажлисида Судьялар олий кенгашининг тегишли қарорларига мувофиқ судьялик лавозимида бўлишнинг биринчи беш йиллик муддатига тайинланган 31 нафар судьянинг қасамёди эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр Исмолов судьялар фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркор-

бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан тийилиш шарт.

Тадбирда илк бор лавозимга тайинланган судьяларга мамлакатимизда бошқа соҳалар каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётган бир даврда билим савияларини доимий равишда ошириб бориш, ишни кўриш билан чекланмасдан, мунтазам равишда ўз устида ишлаш ва шахсий ривожланишдан тўхтамаслик лозимлиги айтилди.



ларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда масъулият билан ёндашиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва сadoқат туйғуси билан сидқидилдан, ҳалол-лок меҳнат қилиш зарур. Нафақат судьялик ваколатини амалга ошириш жараёнида, балки хизматдан ташқари пайтларда ҳам Судьялар одоби кодекси талабларига оғишмасдан, қатъий риоя этиш шарт.

Суд ҳокимияти обрўси, судьянинг шаъни ва қадр-қимматини тушириш ёки унинг беғаразлиги, ҳолислиги ва адолатчилигига шубҳа туғдириши мумкин

Шунингдек, уларга пухта эгаллаган билим ва касбий маҳорат билан одил судловни таъминлашда сидқидилдан меҳнат қилиб, жамиятда адолат қарор топган, фуқаролар ҳуқуқларининг суд ҳимояси кафолатланган Янги Ўзбекистонни барпо этишда, суд ҳокимиятининг обрўси ва фуқароларнинг судга бўлган ишончи ошишида ўз ҳиссасини қўшиб, Ватанимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчини виждонан адо этишига ишонч билдирилди.

Қасамёд қабул қилган янги судьяларга судьялик гувоҳномалари билан бирга Судьялар одоби кодекси топширилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШ ЗАРУР

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Оилавий (маиший) зўравонлик ҳамда шаҳвоний шилқимлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари ва келгусидаги вазифалар” мавзусида семинар ўтказилди.

Судьялар, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимлари, вилоят, туман(шаҳар) ҳокимларининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъуллари иштирок этган тадбирда оилавий зўравонликларнинг олдини олиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақда сўз юритилди.

Дастлаб оила ва жамиятда аёлнинг ўрни, унинг ҳуқуқлари, болаларни тазйиқ ва зўравонликдан асраш каби мавзулар акс этган видеоролик намойиш этилди. Унда болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги қўрсатиб берилди.

Семинарда мамлакатимизда ҳар бир оила давлат ҳимоясида эканига, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик нормалари, “маҳалла еттилиги”, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик ижобий натижа бераётганига, бу борадаги сўнги янгилик ва ўзгаришларга эътибор қаратилди.

Маърузачилар ушбу тои-

фадаги ишларни судларда қўриш жараёнидаги амалиёт, қўриштираёв ва тергов органларидаги процессуал ҳаракатлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди, айрим статистик маълумотларни қайд этди. Суд, прокуратура ва ички ишлар идоралари ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталди.

Тадбирда, шунингдек, Самарқанд вилоят судининг судьялари, прокуратура, ички ишлар бошқармаси ходимлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси масъуллари маъруза қилиб, оилавий зўравонлик ва шаҳвоний шилқимлик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар профилактикаси, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Амалий семинар якунида муҳокама этилган мавзу юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Адолат тантанаси**Ғенерал Собир Раҳимов: қатағон ва жасорат, унутилиш ва мангулик чорраҳасида**▲ **(Бошланиши 1-бетда)**

1935 йил январдан дивизия қўмондонлигига И.Селиванов тайинланади. Бироқ 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида И.Селиванов ўзининг тажонглиги, ахлоқсиз тили билан тез орада хурматини йўқотиб қўяди. У аҳволни тузатиш мақсадида, айрим маҳаллий зобитлар обрўидан фойдаланишга киришади. Жумладан, 1936 йил 30 апрелда Собир Раҳимовни ҳам жанглarda кўрсатган қаҳрамонликлари учун деб “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирлайди.

Аммо бунга қарамай Собир Раҳимов И.Селивановнинг орденига учиб дўстларига хиёнат қилмайди ва тоталитар тузумнинг қатағон рўйхатидан ўрин олди. 1938 йил 17 март куни битилган ордер асосида Собир Раҳимов қамоққа олинади. Шахсий анкетасига кўра, бу вақтда унинг оила аъзолари сифатида турмуш ўртоғи Раҳима Ҳасанова ва унинг онаси Шосиёр хонимларнинг номлари келтирилган. У илк сўроқдаёқ ўзига қўйилган айбловларни мутлақо рад этади.

Аммо барибир 1938 йил 28 март куни Собир Раҳимовга ЎзССР Жиноят кодексининг 57-моддаси (чет эл жосуси) ва 67- моддасини (аксиланқилибий ташкилот аъзоси) қўллаб, ҳукм чиқарилади. 1938 йил 1 апрелдан терговчилар ундан аксиланқилибий ташкилот аъзоси эканлигини тан олишини талаб қилади.

Собир Раҳимов тергов вақтида таҳқир ва қийноқларга сабот билан бардош беради. 1938 йил 7-8 апрель кунлари терговчи Васильев аввал мушт, сўнг 1,20 метрлик металл калтак билан уни тинимсиз савалайди. Шундан сўнг 7 кун давомида тик оёқда турғизиб қўйиб, муттасил жисмоний қийноқлар қўл-

лайди. 15 апрель куни ақлдан озиш даражасига келган Собир Раҳимов қўлига тутилган қоғозларга имзо чекади ва сўнгра уни камерага судраб олиб келишади.

Собир Раҳимовни 1938 йил 19 май куни яна терговга қақирадилар. Бу гал ундан “дивизияда мавжуд аксиланқилибий ташкилот аъзосисан ва қолган аъзоларнинг номларини ҳам келтирасан”, деб талаб қилишади. У 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида ҳеч қандай аксиланқилибий ташкилот йўқ, деб жавоб беради. Васильев уни таҳқир-қийноқ билан ҳақоратлаб, “Мишаропов марши”ни қўйлагансан, энди ҳаммасига жавоб берасан, дейди. Собир Раҳимов бирорта айбловни тан олмаслигини маълум қилади.

22 май кунидан бошлаб яна 4 кун мобайнида тик оёқда туришга мажбур қилиб, қийноққа соладилар. Зулм ва очликдан ҳолсизланган Собир Раҳимов 1938 йил 25 май куни ҳушидан кетиб, йиқилади.

1938 йил 12 сентябрь куни яна сўроққа чиқарилади. Бу гал унинг олдига гувоҳ Мухаммад Зиёев деган кимсани келтиришади. Юзлаштиришда Мухаммад Зиёев 1932 йил май ойида Самарқандда, аксиланқилибий ташкилот йиғинида уни кўрганлигини айтади. Собир Раҳимов индамай тинглайди ва ўзининг айнан ўша вақтда Самарқандда эмас, Тошкентда бўлганини исботлаб беради.

Бу гал ҳам иши ўхшамаган терговчилар Собир Раҳимовни 14-19 сентябрь кунлари яна тик ҳолатда азобли қийноқларга солади. Собир Раҳимов ўзига қўйилган барча бўҳтонларни қатъий рад этиб, бирорта айбловни тан олмаслигини маълум қилади.

Собир Раҳимовнинг 1939 йил 30 апрель куни юқори идорага ёзган аризаси асосида 1939 йил 17 май куни унинг иши юзасидан қайта текширишлар бошланади. 1939 йил 25 июнь кунги сўроқда Собир Раҳимов ўзига нисбатан қилинган бўҳтон, ноқонуний қийноқ ва ҳақоратларни сўзлайди.

1939 йил 29 июнь куни қайта тергов якунланиб, унга қўйилган ЎзССР Жиноят кодексининг 57-2, 63-, 65-, 67-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар далиллар билан исботини топмаганлиги учун оқлашга қарор чиқарилади. 1939 йил 2 июль куни Собир Раҳимовдан қамоқда қўлланилган қийноқлар ва сўроқларни мутлақ сир тутишга сўз берувчи тилхат олинади ва турмадан чиқиши учун талон берилади.

1939 йил 9 октябрь куни Собир Раҳимов билан бирга Йўлдош Шокиров, Солижон Мелиев, Иван Анваров, Қўшоқ Тўхтабоев, Абдуқодир Абдурахимов, Маҳмуд Эшматов, Ҳамид Исмоилов каби қатағонга учраган ўзбек зобитларининг ҳам озодликка чиққани қонунийлаштирилган.

Собир Раҳимов узоқ давом этган сарсон-саргардонликлардан сўнг 1940 йил охирида қуролли кучлар сафига қайта тикланишга муваффақ бўлади ва Ғарбий махсус ҳарбий округга жўнатилади. 1941 йил июнь ойида Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Собир Раҳимов майор унвонида, мотоўқчилар полкининг командирини ўринбосари лавозимида фаолият бошлайди.

У 1941 йил июлда яраланади. 1941 йилнинг ноябрь ойи сўнгиди шиддатли жанглarda ўз полки билан Ростов шаҳрини биринчи бўлиб озод этади. 1942 йил январида яна

яраланиб, май ойида фронтга қайтади. 1942 йилнинг ёзида Вермахт Қизил армияни Волгага тақаб қўйган пайтда Собир Раҳимов Шимолий Кавказ мудофасига масъул эди. Сентябрь ойида дивизия қўмондонлигини қўлга олиб, душманнинг Қора денгизга чиқишига асосий тўсиқ яратди. Душман қанча куч ташла-масин, у чекинишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

1943 йил бошида полковник Собир Раҳимов дивизияси Шимолий Кавказдаги ҳужум операцияларида, мислсиз жанглarda ҳақиқий қаҳрамонлиқ кўрсатади. У 1943 йил 19 мартда генерал-майор ҳарбий унвонини олади. Генерал бўлишга қарамай, қадим туркий қўмондонлар анъанасига амал қилиб, ҳар қандай жангда олдинги сафларда туради. Ҳамиша оддий аскарлар билан ҳамсухбат ва ҳамфикр бўлади.

1943 йил 8 апрелда генерал-майор Раҳимов дивизия бошқарувидан олиниб, Москвага бош штаб ҳарбий академиясига ўқишга юборилди. Бош штаб ҳарбий академиясининг жадаллаштирилган курсини тугатгач, фронтга қайтади ва 1944 йил ноябрда ўқчилар дивизиясига командир этиб тайинланади.

Собир Раҳимов 65-армия таркибида Шарқий Пруссияга ҳужум операциясида ҳам жонбозлик кўрсатади. У Жаңубий фронтдаги моторлаштирилган полк командирини, Кавказ орти фронтда ўқчи дивизия командирини сифатида энг оғир нуқталардаги жанглarda шахсан ўзи бошчилик қилди.

Генерал Собир Раҳимов 1-Белоруссия фронти қўшинлари таркибида Барановичи, Слоним, Белосток, Грауденц ва бошқа шаҳарларни, Белоруссия ва Польшани озод қи-

лишда қатнашди. Гданьск кўчаларига ҳам биринчи бўлиб кириб борди.

1945 йил 26 март куни Гданьск шаҳрини озод этиш учун бўлган жангда ҳужумга ўтган душман кемалари артиллериясидан отилган катта калибрли снарядлар дивизиянинг кузатув пунктини йўқ қилди. Кузатув жойида бўлган генерал-майор Собир Раҳимов бошидан оғир яраланди ва саккиз соатдан кейин ҳушига келмасдан касалхонада вафот этди.

Польша халқи ўзбек ўғлонини ҳамон ардоқлаб келмоқда. Гданьск шаҳридаги кўчалар, мактабларга унинг номи берилган. 1965 йил 6 март куни Собир Раҳимовга ҳақиқи равишда Қаҳрамон унвони берилди. Унинг хоки Тошкентга келтирилди. Номи абадийлаштирилди. 1967 йил Комил Яшин пьесаси асосида “Генерал Раҳимов” бадиий фильми яратилди.

Бироқ та тарихчилар, на санъаткорлар томонидан унинг қатағони билан боғлиқ воқеаликлар эсланмади. 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясиди Микромил Мишаропов йигитларининг аччиқ қисмати ҳам тилга олинмади. Ваҳоланки, Собир Раҳимов ҳеч қачон ўзига нисбатан қилинган ноҳақ зулмларни унутмай яшаб ўтди.

Ҳаётининг сўнги кунларида “Қизил Ўзбекистон” газетаси мухбирига интервью берар экан, Собир Раҳимов ўзининг илк қурол тутган кунлари, дўстлари ҳақида эсланганида бекорга кўздан ёш келмаган. Чиндан ҳам, унга берилган “темир генерал” деган таъриф замирида бемисл жасорат мадҳи мужассам.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

● **Қонун кўмаги****Зарар миқдорининг**

нинг” умумий рўйхати шакллантирилганлиги юзасидан жавоб олинди.

Шунингдек, суднинг сўровига берилган жавобда мазкур жиноят иши учун аҳамиятли даврда амалда бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 49-бандида, етказилган зарарни ундириш ушбу Низомга 4-иловада келтирилган битта дарахт ва бутани кесиш учун берилган рухсатнома қиймати миқдорининг базавий ҳисоблаш миқдорида нисбатан коэффциентлари кўрсатилган. Унда қайд этилишича, кам қимматли дарахтлар тури учун — 5 бараварга, қимматли ёғочбор дарахтлар учун — 10 бараварга, 100 ёшдан ошган дарахтлар учун эса, 20 бараварга кўпайтириш билан ҳисобланади.

Бироқ дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан 3.Ўроқовни айбдор деб топишда қатор моддий ва процессуал қонунчилик талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушуңтиришларига риоя қилинмаган. Хусусан, Жиноят кодексининг 9-моддасидаги шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий ҳавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши ёки Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасидаги терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиши кераклиги, ишда юзга келадиган ҳар қандай ма-

олингани кўрсатиб берилмагани, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида тўлов миқдорлари (коэффциентлар) ҳисобланиши кўрсатилган бўлса-да, унда кам қимматли дарахтлар ва қимматли (ёғочбор) дарахтлар ҳақида фикр юритилгани, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори қабул қилинган вақтда уларни фарқлаб олиш учун дарахт навларининг рўйхати мавжуд бўлган-бўлмаганлиги ўрганилмаганлиги, шунингдек, қўрида қайд этилган Низомнинг 2-бандида, ушбу Низом талаблари юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ва улар томонидан қурилиш материали ҳамда ҳосил олиш мақсадида экилган дарахт ва буталарга нисбатан татбиқ этилмаслиги талаби аниқланган ҳолатта мувофиқ келиш-келмаслиги юзасидан тегишли процессуал ҳаракатлар амалга оширилмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Вилоят суди апелляция судлов ҳайъати ушбу кўрсатмаларни бажариш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Самарқанд вилоят бошқармасига сўров хати юборди.

Бошқарманинг 2024 йил 17 январдаги 01-172-сонли маълумотномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтини томонидан 2019 йил 5 ноябрда “Ўзбекистон табиий флорасининг икки уруғлалли ўсимликларининг систематикаси” ҳамда “Ўзбекистон флораси эндемларининг замонавий концептларини тузиш” номи фундаментал лойиҳалар доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижа-сида Ўзбекистон флорасида табиий ҳолда тарқалган ва юртимизга интродукция, яъни чет элдан олиб келинган “кам қимматли ва қимматли ёғочбор дарахтлар-

▲ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бунга каттақўрғонлик Зоир Ўроқовнинг иши судга тушганию бошидан кечирганлари аёқол мисол бўла олади.

Ушанда 2019 йил декабрь ойи бошлари эди, 3.Ўроқовнинг иши судга тушди. Бунга “Гранд тран” ММТП ҳисобида бўлган дала шийпони атрофидаги жами тўққиз туپ чинор дарахтини Давлат экология қўмитаси органларининг хулосаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатномасини олмасдан кесгани сабаб бўлди.

Оқибатда мансабдор шахс 3.Ўроқовнинг табиатга умумий қиймати 274 миллион 290 минг сўмлик — қўп миқдорда зарар етказганлиги ҳолати Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан аниқланди.

Шу ўринда 3.Ўроқов ва химоячисининг суднинг юқори инстанциясига йўллаган шикоятдаги вазяларга тўхталадиган бўлса, унда биринчи босқич суди иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширмасдан, шубҳа ва гумонлар асосида айбдор деб топгани, иш бўйича кесилган чинор дарахтлари нархи бўйича нотўғри хулосага келингани, айбига икромлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олмасдан, бир қадар оғир жазо тайинлагани қайд этилган.

Ўз навбатида, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати такоррий кассация инстанциясининг 2023 йил 3 октябрдаги ажримиди, иш бўйича қандай асосларга кўра, зарарларни ҳисоблашда қимматли (ёғочбор) дарахтлар учун белгиланган миқдорлар инобатга

салани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги тўғрисидаги меъёрларга эътибор берилмаган.

Мақола аввалида қайд этилганидек, мазкур жиноят иши бўйича 3.Ўроқовни Жиноят кодексининг 198-моддаси 3-қисми билан 2 йил 6 ой муддатга озодлиқни чеклаш жазосига судланишига Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Каттақўрғон туман инспекцияси инспектори Ж.Жўракулов томонидан расмийлаштирилган ўсимлик дунёсига етказилган зарар 274 миллион 429 минг сўм эканлиги ҳақидаги далолатнома асос бўлган эди.

Судлов ҳайъати шундан келиб чиқиб, туман инспекцияси инспектори Ж.Жўракуловнинг далолатномаси ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик асосланганлиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нечоғлиқ мослигини батафсил ўрганиш, шунингдек, 9 туپ чинор дарахти кесилиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарар қанча миқдорни ташкил этиши юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига саволлар билан мурожаат қилди.

Вазирликнинг Самарқанд вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 9 туپ чинор дарахтининг кесилиши оқибатида табиатга етказилган зарар миқдори 274 миллион 290 минг сўмни ташкил этиши асосли ва тўғри расмийлаштирилгани ҳақида хулоса берилди.

■ Моҳият



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда самарали миграция сиёсатини ташкил этиш, бандлик масалаларини оқилона ҳал этиш бора-сида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Эътиборли томони, бу борада сўнгги уч йилда 10 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Бу ўринда, жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 20 августдаги “**Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида**”ги Фармони, 2020 йилнинг 15 сентябрдаги “**Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги, 2022 йил 1 мартдаги “**Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарорлари ҳақида сўз бормоқда.

Янада муҳими, Ўзбекистон Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони бу борадаги ислохотларнинг изчил давоми ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясида хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш

ва самарали миграция сиёсатини олиб бориш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Ушбу мақсад доирасида тартибли миграцияни йўлга қўйиш билан боғлиқ давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Хорижда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлигини ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ноқонуний меҳнат миграциясини тартибга солиш бўйича устувор вазифалар қатъий ва аниқ тарзда бажарилмоқда.

Маълумки, меҳнат миграцияси алоҳида иқтисодий ва ижтимоий жараён бўлиб, бунда мигрантлар муайян сабабларга кўра, чегара ичида ёки доимий яшаш жойидан ташқарида, даромад топиш мақсадида, ишлаш учун вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириши назарда тутилади.

Меҳнат миграциясини тартибга солиш бу борадаги меҳнат муносабатларини қонунлар ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ, давлат томонидан тартибга солиш йўли билан мигрантлар ва давлат манфаатларини қўллаб-қувватлайдиган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Демак, миграция сиёсати — ишчи кучи экспортини ва импортини тартибга солиб турувчи давлатнинг мақсадли фаолияти бўлиб, унинг давлат томонидан тартибга солиниши бевосита меҳнат мигрантларининг манфаатларини ҳамда ишчи

кучини экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг мавқеи ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ишларни такомиллаштиришни талаб қилади.



Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида “**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун муҳокама қилингани ва маъқуллангани муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ваколатларини аниқлаштириш, хусусий бандлик агентликлари ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кенгайтириш белгиланмоқда.

Мигрантларнинг иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлигини белгилашга, иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ

тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритилмоқда. Эндиликда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини баҳолаш мезонлари белгиланиб, уларнинг рей-

тинги юритилади. Қонунда иш вақтидан ташқари ишнинг бир кундаги биринчи икки соати учун — камида бир ярим ҳисса миқдорида, икки соатдан ортиқ қисми учун — камида икки ҳисса миқдорида, меҳнат шартлоғлари ноқулай бўлган ишларда эса ҳар бир соати учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши белгиланмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонун миграция хизматларини рақамлаштириш орқали тизимда шаффофликни таъминлайди. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва даромадларини оширишга хизмат қилади.

М.Даминова тумандаги 1-давлат мактабгача таълим муассасаси мудираси Х.Аҳмаджоновага нисбатан товламачилик содир этади.

Аниқроғи, унинг Лочинбек исми йигит билан шахсий муносабатларига оид ёзишмаларидан хабари борлигин айтarkan, бу ҳақда оиласи ва яқин қариндошларига хабар беришни, ҳатто “Facebook”да эълон қилишини айтиб, қўрқитади. Бундай қутилмаган дағдагадан кўриб кетган мудира товламачи сўраган 500 АҚШ долларидан 4.528.000 сўмга тенг 400 АҚШ долларини беришга мажбур бўлади.

(Давоми 4-бетда) ►

● *Амалиёт ва таҳлил*

ВАТАНПАРВАРЛИК



ЖИНОЯТГА ҚАРШИ МУСТАҲКАМ ИММУНИТЕТ

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда “жиноятга қарши иммунитет”ни шакллантириш зарур. Бунда болалар бўш вақтини мазмунли ўтказишлари, касб-хунар ўрганишлари, тўғри таълим-тарбия олишлари учун ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришни тизимли асосда ташкил этиш ниятда муҳим.

Ҳақиқатан ҳам, боланинг жиноятчи ёки ҳуқуқбузарга айланиб қолишининг турли сабаби ва омиллари бор. Бу борада, айниқса, назоратсизлик ва таълим-тарбиядаги камчиликларни, қолаверса, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги айрим нуқсонларни қайд этиш мумкин.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида ҳаётий мисолларга тўхталамиз. Жумладан, 2024 йил 21 октябрь куни соат, тахминан, 13³⁰ ларда жамоат жойи ҳисобланган Ангрен шаҳар ҳудудидаги умумий ўрта-таълим мактаби олдидаги бўш ер майдонида мактаб ўқувчилари — вояга етмаган Хуснора (исмлар ўзгартирилган) ва Дилфуза-хон бошқа бир вояга етмаган қизни, яъни Гулчехрани уриб, унга тан жароҳати етказган. Оқибатда Гулчехра шаҳар тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2025 йил 3 мартдаги ҳукмига кўра, ҳуқуқбузарларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдоридида жарима жазоси тайинланди.

Яна бир мисол. Пскент туманида яшовчи вояга етмаган Ғуломжон 2025 йил 6 апрель тунги вақтда маҳалалардан биридаги хонадон олдида турган “Кобальт” русумли автомашинанинг юкхонасини очиб, у ердан 200 АҚШ долларини олади ва қочиб кетади.

Аммо у тез орада қўлга тушиди. Жиноят ишлари бўйича Пскент тумани судининг 2025 йил 16 майдаги ажримига кўра, унга нисбатан очилган жиноят иши жабрланувчи билан ярашилганлиги учун тугатилди.

Бошқа битта мисол. Ота-она қарамоғида яшайдиган, ўрта таълим мактабининг

8-синф ўқувчиси Дилмуродга жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг 2025 йил 21 январь кунидаги ҳукмига кўра, 1 йил 11 ой 28 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Лекин у бундан тегишли хулоса чиқармаган. Оқибатда, Дилмурод орадан бир ой ҳам ўтмасдан, 2025 йил 10 февраль куни изма-из икки марта “Дамас” русумли автомашинасини олиб қочган.

Жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туман судининг 2025 йил 4 апрелдаги ҳукмига кўра, вояга етмаган Дилмуродга 2 йил муддатга, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2025 йил 21 январдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Вояга етмаганлар содир этган ҳуқуқбузарликларни асосан безориликлар, таққилланган моддаларни истеъмол қилиш, ўғирлик каби иллатлар ташкил этади. Баъзида оиласи иқтисодий қийинчиликини бошдан кечи-раётган, баъзида эса, ўзига тўқ ота-она томонидан эркин қўйилган болалар ҳам ноқонуний ҳаракатлар содир этиши кузатилмоқда.

Айниқса, ота-она томонидан назорат сусайганда ўсимирга кўчадаги тенгдошлари томонидан ўтказиладиган таъсир ошади. Болаликда тенгдошлари томонидан қабул қилинмаган ва ажратиб қўйилган шахслар жиноят содир этишга кўпроқ мойил бўлади.

Вояга етмаганлар ўрта-сидаги жиноятчилик ҳолати Тошкент вилоят суди томонида доимий таҳлил қилиб боришмоқда. Ушбу таҳлиллар ҳақиқий аҳволни кўрсатиб, эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишларни белгилаб беради.

Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида жами 180 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан 133 та жиноят иши кўрилган. Шундан 155 нафар ўсимирга айблов ҳукми чиқарилган бўлиб, 23 нафарига нисбатан иш тугатилган, 1 нафарига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган.

Албатта, вояга етмаганлар жиноятчилиги таҳлилни бу иллатни камайтириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тегишли идоралар, кенг жамоатчилик вакилларининг доимий ҳушёрлигини, турли тарғибот ва ташвиқот ишлари орқали муттасил курашиши талаб этилишини кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар — келажагимиз. Уларни қандай тарбиялашимиз келажагимизни белгилайди. Шу маънода, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом, билимли, дунёқараши кенг ва ватанпарвар этиб вояга етказиш келажагимиз гавовидир.

Дилшод ТАДЖИБАЕВ,

Тошкент вилояти суди раиси

● *Жиноят ва жазо*

Энагадан чикқан товламачи

Ўттиз бир ёшли Муҳайё Даминова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир нафар фарзанднинг онаси. У Балқичи туманидаги мактабгача таълим ташкилотларидан бирида ёрдамчи тарбиячи — энага вазифасида ишларди. Аммо у ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратиш ўрнига нафс қутқусига учиб, қинғир ишга қўл урди.

Аниқроқ айтганда, М.Даминова бундан 7-8 йил аввал тумандаги боғчаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишла-

ри ҳамда таълим-тарбия жараёнига оид янгиликларни “Facebook” ижтимоий тармоғида ёритиб борарди. Албатта, бундан қўпчилик хурсанд бўларди. Бироқ вақт ўтиши билан унинг нияти бузилди. Аниқроғи, мактабгача таълим муассасаларидаги хато ва камчиликлар ёки қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаб, уларни ошкор қилмаслик эвазига таъмағирлик қила бошлади.

Ушанда 2022 йилнинг март ойи эди. М.Даминова туманда-

ги 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти мудираси М.Норбобоевага қўнғироқ қилади.

— Ҳам боғчадаги ишлар, ҳам сезиниб устингиздан шикоят бор, — дейди М.Даминова қутилмаганда дағдағали оҳангда.

— Қанақа шикоят экан? — ҳайрон бўлиб сўрайди мудира. Бунга жавобан М.Даминова ходимлар унинг боғчага мудира этиб тайинланганидан норози экани, бунинг устига

боғчада ҳам таълим-тарбия ишлари яхши эмаслигини айтarkan, буларни “Facebook” ижтимоий тармоғига чиқармаслик эвазига 100 АҚШ доллари беришни талаб қилади.

М.Норбобоева унинг ваҳима-ли сўзларини эшитиб, бирдан доғдираб қолади ва унинг талабига рози бўлади: 100 АҚШ доллари ҳисобидан 1.080.000 сўм пул маблағни М.Даминованинг пластик картасига ўтказиб беради.

Уша йили апрель ойида эса, Бундай ҳолатда, суднинг ҳукмини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди ҳамда 3.Ўроқовнинг юқорида баён этилган ҳолатда ижтимоий-хавфли қилимишни содир этганликда айбланиши асоссиздир.

Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши белгиланган. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим топди.

Судлов ҳайъати 3.Ўроқовнинг ҳаракатларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги ҳолати бўйича маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни Самарқанд вилояти прокурори орқали тегишли суриштирув органига юборишни лозим топди.

Шундай қилиб, биринчи босқич судининг 3.Ўроқовга нисбатан 2020 йил 22 октябрда чиқарилган ҳукми бекор қилинди. У Жиноят кодексининг 198-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни



содир этмаган деб топилиб, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан, оқланди.

Судланувчи ҳисобидан етказилган зарар учун ортиқча тўланган 83 миллион 918 минг 500 сўм миқдоридидаги маблағ Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли ҳисоб рақамидан 3.Ўроқовга қайтарилди.

Шундай қилиб, 3.Ўроқов судланганлик мuddати тугаган бўлса-да, Мустақиллик меваси — адолатнинг қарор топишига ишонди, судга муурожаат қилиш ҳуқуқи уни ҳақиқат сари рағбатлантирди. Бу эса, ўз навбатида, судлар адолат кўргонига айланиб бораётганининг амалдаги тасдиғидир.

Илҳом ҚОРАБОЕВ,
Самарқанд вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси

қонуний ҳисобланиши

шахснинг оқланишига асос бўлди

Аммо суд бу хулоса билан келишмади. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парварши қилиш, кесиш ҳамда дарахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом мазмунидан келиб чиқилганида, юқорида қайд этилган хулосада дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш натижасида ундириладиган жарима суммаси асосий зарар сифатида нотўғри қўрсатиб ўтилган.

Сабаби, ушбу Низомнинг 4-илова-сида давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни кесганлик учун тўлов миқдори ўша вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдори — 223 минг сўмга нисбатан коэффицентларда кўрсатилган. Мазкур Низом талабидан келиб чиқиб ҳисоблаганда, ушбу жиноят иши бўйича кесилган дарахтлар жами қиймати 27 миллион 429 минг сўмни ташкил этади.

Жиноят кодексининг 198-моддаси 2-қисми диспозициясида, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қонунга хилоф равишда кесиш қўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, қўп миқдор — Жиноят кодексининг 198-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томонининг асосий элементи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб ай-

тиш мумкинки, мазкур жиноят иши учун аҳамиятли бўлган 2019 йилнинг декабрь ойида базавий ҳисоблаш миқдори 223 минг сўмни ташкил этган.

Жиноят кодексининг 8-бўлим 16-хат-бошисида кўра, қўп миқдордаги зарар — базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 500 бараваригача бўлган миқдордаги зарар, 2019 йил декабрь ойида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорлари меъёрида ушбу сумма 66 миллион 900 минг сўмдан 111 миллион 500 минг сўмгача бўлган миқдорни ташкил этган.

Бинобарин, судланувчи 3.Ўроқов томонидан иш бўйича етказилган 27 миллион 429 минг сўм зарар қўп миқдорни ташкил этмайди.

Қонун талабига кўра, агар қилмишда жиноят таркибининг ақалли битта элементи бўлмаса, бундай қилмиш жиноят сифатида эътироф этилмайди. Бу Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмида қайд этилган.

Айтиш керакки, қонун билан белгиланган аниқ ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун зарур объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси тушунилади. Бу белгилар Жиноят кодексига мустаҳкамланганлиги боис, у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят деб баҳолалиши учун зарур ҳисобланади.

Аниқландики, биринчи босқич суди иш бўйича етказилган зарарнинг асосий миқдори юзасидан аҳамиятга молик ҳо-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Унинг “Мехробдан чаён” романи бошларидаёқ китобхон эътиборини Амир Умархоннинг канизига қаратгани тасодифий эмас. Шу боб Солиҳ маҳдум ҳақидаги бир неча жумладан кейин бундай сўзлар билан бошланади:

“Туркистон хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизаклардан бирига муҳаббат қўяди. Каниз ёш бўлганлиги ва баалоғатга етмаганлиги учун уни никоҳига ололмай, вақт кутади. Шу кутиб юриш йилларида Умархон муродига етолмай вафот қилади, тахтга ўгли Мадалихон минади. Орадан бир неча йиллар ўтиб, бояги қиз баалоғатга эришади ва бир хуснига ўн хусн қўшилиб, отанинг боласи бўлган Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қилади. Ўз саройида ўсган бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгидга юритса ҳам, бироқ... тарихнинг бизга хабар беришига қараганда, Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнади, чунки уламолар бу ёш гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир ёш хоннинг орзусига кўндаланг келадилар...”

Романда тасвирланишича, Мадалихон уламоларни ранжитган бу масалани хийла “совутиб”, сўнг “орзусига қарши борган” уламоларни ишдан олиб, улар сафини янгилаб, ниҳоят, улардан розилик фатвосини олгач, мурод-мақсадига етади. Буни қарангки, “кимларнинг воситаси биландир” канизнинг гўзаллигини эшитган Бухоро амири Насрулло ҳам унга ғойибона ошиқ бўлиб юрган экан. У Мадалихоннинг онаси мақомидаги қизга уйланганидан қаттиқ ранжиб, Бухоронинг забардаст уламоларидан фатво олиб, “Фарғона устига юради”.

Қодирий шу бобга нуқта қўйишдан аввал, Насруллонинг юриши натижалари ҳақида бундай маълумот берган: “Амири Насруллонинг бу “хोलисона” жиҳоди Туркистон хонлиги томонидан қандай муқоаматларга учради ва икки тарафдан қанча бошлар кесилди, албатта, бу тўғрида бизнинг ишмииз йўқдир. Фақат бу можародан бизга керакли нуқта шундаким, натижада Мадалихон шикаст топди ҳам Амир Насрулло томонидан қатл қилин-



ди. Мадалихонга фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари ҳад урулдилар ва бир нечалари қочиб кутулдилар. Амир Насрулло бўлса, Фарғона ҳукуматига ўз кишини қўйди, фатху нусрат билан канизни олиб, Бухорога қайтди”.

Юқоридаги биз таъкидлаб ўтган сўзлардан аён бўлишича, Қодирийни “Мехробдан чаён” романида кўпроқ қизиқтирган масала Мадалихоннинг қатл этилиши, унга фатво ёзиб берган уламолардан бир гуруҳининг жазоланиб, иккинчи гуруҳининг қочиб кетиши, Амир Насруллонинг Фарғонага ўз одамиани қўйиб, “фатху нусрат билан канизни олиб, Бухорога қайтишдир”. Агар бу сўзларга жиддий назар ташласак, улар бўлажак роман сюжетининг муҳим ҳалқаларини ташкил этажакдек бўлиб кўринади.

А.Қодирий “Мехробдан чаён”ни ёзишдан аввал ҳам, “Амир Умархоннинг каниз” романини ёзишга жазм этганида ҳам, дастлаб роман қахрамонлари ҳаракат қилажак “майдон” — Қўқон кўчалари, тарихий бинолар, бозорлар ва ҳ.к. ларни бориб кўрган, кекса кишилар билан учрашиб, уларнинг Умархон ва Мадалихон даври ҳақидаги хотираларини ёзиб олган. Аммо тарихий роман ёзиш учун, булардан ташқари, Умархон ва Мадалихон даври ҳақидаги тарихий асарларни ҳам ўқиб-ўрганиш зарур эди. Афсуски, хотиранавислар бу ҳақида етарли маълумот ёзиб қолдирмаганлар. Ҳолбуки, Абдулла Қодирий нафақат Тошкент, балки Қўқондаги давлат ва хусусий кутубхоналарда

сақланаётган шу мавзудаги илмий-мемуар асарларни топиб ўрганган бўлиши мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, мазкур даврга оид тарихий китоблар етарли даражада бўлганига қарамай, муаллифлар айрим тарихий шахслар ва воқеаларни талқин қилишда субъективизми четлаб ўта олмаганлар. Бу ҳол Қодирийни чалғитиши ҳеч гап эмас эди.

Канизак, “Мехробдан чаён” романида ёзилишича, ёш бўлганлиги ва баалоғатга етмаганлиги учун Амир Умархон уни “никоҳига ололмай” ва “муродиға етолмай” вафот қилган. Қодирий ёзажак романи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу факт-маълумотни берганидан сўнг, давом этиб ёзган: “Тарихнинг бизга хабар беришига қараганда, Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнади, чунки уламолар бу ёш гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир ёш хоннинг орзусига кўндаланг келадилар...”

Адибнинг бу сўзларидан аён бўлишича, у, биринчидан, шу масалага оид тарихий манбаларни ўрганган; иккинчидан, Умархонни канизакка уйланмаган, деб ҳисоблаган; учинчидан, Умархон канизакка уйланмаганлиги учун уламоларнинг “ёш хоннинг орзуси”га тўғноқ бўлганлари сабабини тушунмаган. Бошқача айтганда, Қодирий назарида, Амир Насруллонинг “Фарғона устига” юриш қилишга асос бўлмаган.

Амир Умархон — канизак — Мадалихон “учлиги”нинг шу талқини замонавий ўзбек тарихшунослигида ҳам устуворлик қилади. Лекин масалага кенгроқ назар ташласак, бу муаммо-

га оид бошқа қарашлар ҳам борлиги маълум бўлади.

Таниқли шарқшунос Бахтиёр Бобо-жоновнинг “Қўқон хонлиги: ҳокимият, сиёсат, дин” монографиясида Мулла Ниёз Муҳаммад ибн Ашур Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳрухий” асарига асосланган ҳолда ёзишича, Қўқон хонлигининг Мадалихон ҳукмронлиги даврида таназзулга келиши сабаблари муҳолифатнинг сиёсий даъволари билан боғлиқ. “Бундан ташқари, — деб ёзган у давом этиб, — хонлиқда хоннинг хулқ-атворидан сокин норозилик кучаяётган бўлиб, кўпгина замондошлар бу ҳолни шариатдан ошқора чекиниш деб баҳолаётган эдилар. Хоннинг айш-ишратда меъёр деган нарсани билмаслиги, ичкиликка ружу қўйганлиги ва энг қораланадиган амал — отасининг (шариатга кўра, унга она бўлган) собиқ хотинини никоҳга олганлиги — хонга қўйилган асосий айб эди”.

Қодирийга маълум бўлган манбаларга қараганда, Умархон ўз канизагига уйланмаган. Шунинг учун ҳам, адиб уламоларнинг “ёш хоннинг орзуси”га “кўндаланг бўлганлари”ни, бинобарин, Насруллонинг Мадалихонни шариатга қарши иш тутганлиқда айблаганини нотўғри, деб билади. Ҳолбуки, Б.Бобо-жоновнинг юқорида келтирилган сўзларидан равшан бўлишича, Пошшоҳон (Хонпошша) Амир Умархоннинг “собиқ хотини” бўлган. Шарқшунос Эн-вер Хуршут ҳам Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асарига асосланиб, Пошшоҳоннинг Умархонга қонуний хотин бўлганини қайд этган.

Э.Хуршут Муҳаммад Ҳакимхон асарида берилган шу фактга асосланиб, ўртага: “Нима учун А.Қодирий тарихий ҳақиқатдан чекинган?” дея савол ташлаган ва бу саволга ўзи жавоб бериб, романнависнинг адабий тўқимадан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини айтган.

Масалани ўрганиш шундан шаҳодат берадики, А.Қодирий Муҳаммад Ҳакимхон қаламига мансуб “Мунтахаб ат-таворих” тарихий асарининг мукаммал нусхаси билан, бинобарин, юқорида келтирилган маълумот билан танишиш имконига эга бўлмаган.

(Давоми кейинги сонда)

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Орадан уч ой ўтгач, яъни 2022 йил 29 июлда товламачи бу аёл тумандаги 14-умумтаълим мактаб директори Ш.Нурматовани нишонга олади.

— Яланғоёқ бўп олиб, қоматингизни кўз-кўз қилиб, ҳиндча қўшиққа роса ўйнабсиз, — дейди у мактаб директорига кинояли оҳангда.

Шундан сўнг мақсадга ўтади: — Хуллас, ўз хоҳишингиз билан ишдан бўшаш тўғрисида розилик хати ёзиб берасиз. Йўқса, рақсга тушган видео-ғизни “Facebook”да кўрасиз...

Бу гапларни эшитиб, бирдан қўриқиб кетган Ш.Нурматова ялинишга тушади:

— Илтимос, жон синглим, унақа қилманг...

Директордан худди шу илтижони кутиб турган товламачи аёл очик-ошкор 500 АҚШ доллари беришини талаб қилади. Чорасиз қолган мактаб раҳбари эса, 3.272.433 сўмга тенг бўлган 300 АҚШ долларини унга қўшқўлаб топширади.

Шу тариқа М.Даминова 2023 йил февраль ва март ойларида яна аввалги усулда товламачилигини давом эттириб, тумандаги 9 ҳамда 35-давлат мактабгача таълим муассасаси мудиралари Д.Маҳмудова ва М.Ҳамдамовларнинг ҳар биридан 500 АҚШ доллари миқдоридида маблағни қўлга киритади.

Буни қарангки, 2024 йилнинг март ойига келиб, юқорида тилга олинган 7-сонли боғча мудираси М.Норбобоева яна М.Даминованинг “тузоғи”га илинади. Лекин бу пайтда у тумандаги 36-сонли давлат мактабгача таълим муассасаси мудирлигига тайинланганди.

— Боғчангизни СЭС текшириб, камчилик топганидан хабарим бор. Агар шу камчиликларни “Facebook” орқали тарқатсам, боғчангизни ёпиб қўйишади. Қолаверса, обрўнгизга ҳам путур етади, — дейди

М.Даминова.

Аввал ҳам бу товламачи аёлга “иши” тушган М.Норбобоева унинг ниятини англаб, дарров мақсадга ўтади:

— Хўш, қанча беришим керак?

— Тушунган аёлсиз-да, опа-минам, — дейди М.Даминова мамнун бўлганча. — Кўп эмас, бир ярим минг...

М.Норбобоева товламачининг талабини эшитиб эсанкираб қолади. Бироқ у билан тортишиш бефойда эканини тушуниб, талаб қилган маблағни беради.

Бу товламачи аёл тумандаги 25-умумтаълим мактаби директори М.Турсуновдан ҳам видео тасвири “Facebook” ижтимоий тармоғига жойламаслик эвазига 2000 АҚШ доллари беришни талаб қилади. Оқибатда мактаб директорининг 1500 АҚШ долларини қўлга киритади.

Утган йилнинг 6 ноябрь куни соат 10⁰⁰ларда М.Даминова Балиқчи тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудирини Н.Ҳакимовага кўнгирак қилади ва қаердасиз, деб сўрайди.

— Иш жойимдан, — дейди Н.Ҳакимова кутилмаганда асаби бузилиб.

Орадан кўп ўтмай унинг олдида М.Даминова етиб келади.

— Учта боғча мудираси устидан шикоят бор, — дейди у салом-алиқдан сўнг.

— Қайси мудиралар?

— Ўн тўрт, ўттиз бир ва ўттиз учинчи боғча мудиралари устидан шикоят қилишган.

— Нима деб шикоят қилишибди? — деб сўрайди Н.Ҳакимова.

Унга жавобан товламачи аёл бирма-бир изоҳ беради:

— Ўн тўртинчи боғча мудираси умуман ишга келмас экан. Ишари масофадан туриб бошқариш, ўрнига ҳамшираси иш юритади. Ўттиз биринчи боғчада тайёрланган овқатдан пашша чиққан, менда видеотаъсирлари ҳам бор.



— Қани менга кўрсатинг-чи, ўша видеотасвири?!

— Йўқ, кўрсатмайман, ким юборганини ҳам айтмайман, — дейди Н.Ҳакимова. — Ўттиз учинчи боғчанинг мудираси ҳам ишга бориб-бормайди. Қолаверса, у Шербек исмли йигит билан гаплашиб юради. Хуллас, учала мудирангизни қақириб, тегишли чора кўрасизми ёки ўзим бу масалани бошқарма бошланишга олиб чиқайми?

— Майли, ўзим гаплашаман, чора кўраман, — дея Н.Ҳакимова вазиятни юмшатади.

Қисқаси, Н.Ҳакимова ўша куниниёқ 31 ва 33-мактабгача таълим муассасалари мудираларини қақириб, суҳбатлашади. М.Даминова айтган камчиликлар, чиндан ҳам, бор-йўқлигини, агар мавжуд бўлса, дарҳол бартараф этиш лозимлигини уқтиради. Бироқ 14-боғча мудираси билан гаплашишга улгурмайди. Эртаси куни эса, иш юзасидан Андижон шаҳрига, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига маж-

лисга борганда, кимдир унга кўнгирак қилиб, Балиқчи туман ички ишлар бўлимига етиб боришини айтди.

Н.Ҳакимова туман ИИБ-га келгач, маълум бўладики, М.Даминова ўз жиноятига туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ходими Зулайҳо Арзиевани ҳам шерик қилган экан. Яъни М.Даминова 3.Арзиевага 14-давлат мактабгача таълим муассасасига оид салбий маълумотлар борлигини айтди. Сўнг ушбу маълумотларни Республика Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги-Қисқаси, Н.Ҳакимова ўша куниниёқ 31 ва 33-мактабгача таълим муассасалари мудираларини қақириб, суҳбатлашади. М.Даминова айтган камчиликлар, чиндан ҳам, бор-йўқлигини, агар мавжуд бўлса, дарҳол бартараф этиш лозимлигини уқтиради. Бироқ 14-боғча мудираси билан гаплашишга улгурмайди. Эртаси куни эса, иш юзасидан Андижон шаҳрига, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига маж-

лисга борганда, кимдир унга кўнгирак қилиб, Балиқчи туман ички ишлар бўлимига етиб боришини айтди.

— Қандай маълумотлар экан? — ҳайрон бўлиб сўрайди боғча мудираси.

— Билмадим, айнан нима-лигини менга айтмади, — дейди 3.Арзиева.

Шундан сўнг Гулзода Нас-

руллаева ўйлай-ўйлай М.Даминова ва 3.Арзиеванинг хатти-ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқий муҳофазга қилувчи идорага мурожаат қилади. Оқибатда 3.Арзиева Г.Насруллаевадан талаб қилинган 600 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далил билан ушланади.

Бинобарин, тезкор тадбир давом эттирилади. Яъни М.Даминова 3.Арзиевадан 600 АҚШ долларини олиб, 100 АҚШ долларини унга улуш сифатида қайтарган пайтда қўлга олинади.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилади. Тергов-суриштирув жараёнида М.Даминованинг қариндошлари 25-мактаб директори М.Турсуновга етказилган 1500 АҚШ доллари миқдоридида моддий зарарни қоплашади.

Шундан сўнг ушбу иш жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судида қўриб чиқилди. Суд М.Даминовани Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми “а, в” бандлари, 3.Арзиевани эса, шу модданинг 2-қисми “в” банди билан айбдор деб топиб, тегишли муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида М.Даминовадан жабрланувчи М.Норбобоева фойдасига жами 20 миллион 595 минг сўм моддий зарар ундириш ҳам белгиланди.

Албатта, М.Даминованинг тубан қилмиши — товламачиликни ўзига касб қилиб олиши ўта афсусланарлиқдир. Чунки у, аввало, аёл, нафс қутқусига учмай фарзандига, оиласига меҳр кўрсатганда, бошига бу ташвиш тушмас, иснодга қолмасди.

Бу воқеани баён этишдан мақсад шуки, жамиятда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик жоиз.

Улугбек ШЕРАЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Балиқчи тумани суди раиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Судьяларнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, тарафларнинг қонуний манфаатларини суд орқали самарали ва ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

Фуқаролик процессуал кодексида ҳам бу борада аниқ талаблар белгилаб берилган: **судья ҳар қандай қарорни фақат қонунда кўзда тутилган далиллар асосида чиқариши шарт.**

Қолаверса, рад этилган ҳар қандай далил ёки ҳужжатнинг нега ҳисобга олинмаганини суд асослаб кўрсатиши мажбурийдир. Бу одил судловнинг ҳуқуқий қафолатларидан бири ва судга бўлган ишончни мустаҳкамловчи муҳим омил ҳисобланади.

Очиқлик ва шаффофлик — коррупцияга қарши курашишда энг самарали тамо-

тини фақат қонун доирасида олиб бориши, вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, ҳар қандай шахсий ёки бошқаларнинг манфаатларини ўз қарорларига аралаштирмаслиги шарт. Бу талаблар нафақат қонунларда, балки ахлоқий меъёрларда ҳам ўз ифодасини топади.

Судья шунчаки мансаб эгаси эмас — у адолат тимсоли, жамоат олдидаги масъулиятли шахс. Шунинг учун ҳам, у лавозимини ўзи ёки яқинларининг фойдаси учун суиистеъмол қилмаслиги, қариндош-уруғчилик ёки таниш-билишчиликка асосланган ҳар қандай таъсирлардан холи бўлиши керак.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига кўра, агар судьяга нисбатан ҳар қандай босим ёки ноқонуний йўналишлар бўлса, у бундай ҳолатлар ҳақида бевосита масъул таш-



йиллардир. Айниқса, суд тизимиде бу қадриятларнинг устуворлиги нафақат адолатли судловни таъминлайди, балки жамоатчилик ишончининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал кодексида белгиланишича, суд мажлислари одатий ҳолатда ошқора ўтказилиши лозим. Бу, ўз навбатида, тарафлар ва фуқароларга суд жараёни қандай кечаётганидан хабардор бўлиш, суд қарорларининг асосланганлигини кузатиш ва уларга қонуний баҳо бериш суд қарорларининг мажлисда эълон қилиниши ҳамда муайян ҳолларда уларнинг расмий интернет ресурсларида, анонимлаштирилган шаклда эълон қилиниши, суд тизимиде шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминловчи муҳим воситадир.

Шу нуқтаи назардан, бошқарувда очиқлик — коррупциянинг олдини олиш тамойилининг ажралмас қисми сифатида қонунларда мустаҳкам белгиланган. Бинобарин, **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонунда очиқлик, шаффофлик ва жамоатчилик назорати асосий принциплар сифатида эътироф этилган.

Бугунги суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан, рақамлаштириш жараёнлари ушбу тамойилларни амалиётга изчил жорий этишга қаратилган. Мисол учун **“Е-XSUD**” каби электрон платформаларнинг жорий қилиниши натижасида фуқаролар судга мурожаат қилиш, иш ҳолатини онлайн кузатиш, суд қарорлари билан танишиш ва ҳатто суд мажлисида масофадан туриб иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Бундай рақамли имкониятлар коррупциявий хавфларни камайтириш, норасмий аралашувларнинг олдини олиш ва қарор қабул қилиш жараёнида инсон омилнинг таъсири камайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу орқали одил судлов тамойиллари мустаҳкамланади.

Судьяларнинг ҳалоллиги ва одоб-ахлоқи — суд тизимиде коррупцияга қарши барқарор иммунитет ҳосил қилувчи энг муҳим омиллардандир. Айнан судья шахсининг поклиги ва хизмат бурчида садоқати фуқаролар ишончини таъминлайди.

Шу боис, судья ўз фаоли-

китларга, масалан, Судьялар олий кенгашига ёки Олий судга зудлик билан хабар бериши шарт. Бундай қадам қонунчиликда аниқ кўрсатилган мажбурият бўлиб, судья мустақиллигини ҳимоя қилиши қаратилган.

Бундан ташқари ҳар бир судья қонуний фаолиятни бошлашдан олдин қасамёд қабул қилади. Ушбу қасамёда у ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат Конституция ва амалдаги қонунларга асосланган ҳолда амалга оширишга, ҳар қандай таъсирдан холи, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали ва қатъий равишда сўз беради.

Бу қасамёд — судья учун шунчаки маросим эмас, балки умумий тамойилга айланиши лозим бўлган мажбурият. Судьялик фаолиятида қатъий, принципиаллик ва ҳалоллик — шахсий фазилатлар сифатида эмас, балки қонуний талаб сифатида баҳоланади. Шунинг учун Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексида судьяга нисбатан юқори даражадаги ахлоқий масъулият юкланган: у доимо хатти-ҳаракатида қатъий, ҳалоллик, одилона муносабат ва муътадилликни намоён этиши лозим.

Замонавий суд тизимиде технологик ёндашувлар коррупциявий хатарларни камайтиришда муҳим ўрин тутди. Аввало, суд таркибининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали шакллантириш зарур. Яъни ҳар бир ишга электрон тизим орқали тенг асосда судьялар тайинлангани ва манфаатдор шахсларнинг таъсири истисно қилинади.

Кейинги даврда суд мажлисларида масофавий видеоконференция алоқа имкониятлари кенгайтирилиб, фуқароларга ўз ишларини уйдан ёки бошқа жойдан назорат қилиш имконияти ҳам яратилди. Буларнинг барчаси судга нисбатан ишончни оширишга хизмат қилади, тизим очиқлигини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик судларида коррупциявий хавфларни камайтириш — очиқлик, ҳалоллик ва технологик ёндашувнинг уйғун қўлланилиши билан бевосита боғлиқ долзарб жараён.

Гулҳаё ЖУМАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтоҳур туманларо
суди судьяси

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
руйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икром МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шўхрат ПОЛБАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифхон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolata@mail.ru